



КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ИННОВАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ

Дусбоев Р.Р.

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети илмий тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда инвестицион ва инновацион ривожлантириш услубиятини самарадорлик даражасини ошириш масалалари кўрилган. Ишлаб чиқариш самарадорлиги талаб ва иаклиф қонунларига асосланган бўлиши, уни ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқлиги асослаб берилган.

Меҳнат тақсимооти бўлган талаб корхоналар ва макроиқтисодий тармоқлар даражасида талаб ва таклиф қонунига асосланиши зарурлиги кўрилган. Ишлаб чиқариш харажатларини объектив зарурлиги ишлаб чиқаришнинг моддий харажатларини муқобил даражасига боғлиқлик масалалари кўрилган.

Калитли сўзлар: ишлаб чиқариш, инвестиция, инновация, яшил иқтисодиёт, товар маҳсулотлари, ишлаб чиқариш хомашёлари, истеъмол маҳсулотлари, талаб, таклиф, ишлаб чиқариш ихтисослашуви, товар маҳсулотлари, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, иқтисодий харажатлар, иқтисодий самарадорлик.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы повышения эффективности методики инвестиционного и инновационного развития в развитии производственных предприятий. Обосновано, что эффективность производства основана на законах спроса и предложения и связана с эффективностью производства.

Рассмотрено, что разделение труда должно основываться на законе спроса и предложения на уровне предприятий и макроэкономических отраслей. Рассмотрены вопросы зависимости объективной необходимости производственных затрат от альтернативного уровня материальных затрат производства.

Ключевые слова: производство, инвестиции, инновации, зеленая экономика, товарные товары, производственное сырье, потребительские товары, спрос, предложение, специализация производства, товарные продукции, микроэкономика, макроэкономика, экономические затраты, экономическая эффективность.

Abstract: The article deals with the issues of increasing the efficiency of investment and innovation development methodology in the development of production enterprises. It is substantiated that the efficiency of production is based on the laws of supply and demand and is related to the efficiency of production.

It is considered that the division of labour should be based on the law of supply and demand at the level of enterprises and macroeconomic industries. The questions of dependence of objective necessity of production costs on the alternative level of material costs of production are considered.

Keywords: production, investment, innovation, green economy, commodity goods, production raw materials, consumer goods, demand, supply, production specialisation, commodity products, microeconomics, macroeconomics, economic costs, economic efficiency.

Kirish

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида асосланган ҳолда Янги Ўзбекистон иқтисодиётини саноатда “яшил” иқтисодиёт тамойилларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ривожлантириш саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналарида қўллашни ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва диверсификациялаштиришда маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқараётган товар маҳсулотларини сифат ва харид қиймати жиҳатидан рақобатбардош бўлишига эришиш асосида миллий саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналарини рақобатбардошлигини ошириш ва миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни самарали ва барқарор ривожланиб бориш Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ва самарали ривожланиб бориши саноатни юқори технологияли қайта ишлаб чиқариш тармоқларини, энг аввало маҳаллий миллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматни тайёр истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш уни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги модернизация ва диверсификация қилиш” бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва барқарор ривожланиб бориши бозор ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланувчи субъектлар турли мулк эгаллиги шаклларида ташкил этилишига қарамай уларнинг асосий мақсади бир бўлиб ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишини таъминлаш учун ишлаб чиқарилаётгана маҳсулотларни сифатли, рақобатбардош ва фойда олишни таъминлаши лозим. Бозор иқтисодиётининг асосий талаб ва таклифи ишлаб чиқариш жараёнини ана шу бозор иқтисодиёти қонуни талабларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишни самарали бўлиши моддий ишлаб чиқариш харажатларидан ва ишлаб чиқаришга жалб қилинган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишлаб чиқариш субъектлари мустақил равишда ишлаб чиқарилган бизнес режаси асосида ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини мустақил равишда олиб борадилар. Корхоналар қандай мулкчилик эгаллигига эга бўлишидан қатъий назар бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи бозор агентлари деб айтиш мумкин. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор иқтисодиёти агентлари бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмол вазифаларини бажарадилар. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш фаолиятлари билан узвий боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ишлаб чиқариш хом ашёларига, ярим тайёр маҳсулотларига ва ишлаб чиқариш техника ва технологияларига ва ёлланма меҳнатни жалб қилиши билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини истеъмол бозорига таклиф қилиш ва қайта ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этиш учун зарур бўлган инвестиция маблағлари корхоналар даражасида асосий ишлаб чиқариш капитали ва айланма ишлаб чиқариш капитали тариқасида ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз равишда такрор ишлаб чиқариш шаклида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи ишлаб чиқариш субъектларини иқтисодий фаолиятларини иқтисодий жиҳатдан таҳлили асосан икки йўналиш асосида амалга оширилиши керак. Биринчидан корхона ички ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий таҳлил қилиш ва уни иқтисодий ҳолатини баҳолашда математик усулда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш ва ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашдан иборат бўлса. Иккинчидан корхона ишлаб чиқаришига ташқи омилларни таъсирини ифода этувчи омиллар ва давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишига давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳам эътиборга олиш зарур. Корхоналарни самарали ва барқарор ривожланиб бориши ишлаб чиқариш харажатларини ташкил топиш даражасига яъни умумий корхонанинг молиявий инвестиция харажатларига боғлиқ бўлади. Бу харажатлар ҳажми уларга белгиланган талаб ва таклиф асосидаги нархларда ифодаланган харажатларни ифода этади. Ишлаб чиқариш харажатларини умумий харид қилинган қийматига нисбатан корхонада ишлаб чиқарилган тайёр истеъмол товарлари қиймати юқори қийматга эга бўлиши уни самарали ва барқарор бўлиши уни самарали ва барқарор ривожланиб бораётганлигини ифода этади. Ишлаб чиқариш корхоналари маълум бир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувлари ўзларининг истеъмоллари учун эмас балки уни истеъмол қилувчилар учун ишлаб чиқаради ва сотади. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлар товар-пул шаклида ўзининг ички ва ташқи жараёнида амалга оширилади. Корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш вазифаларини бажариб боришлари учун корхона ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш ва уни бошқариш зарур. Одатда корхона ишлаб чиқариш ҳажми асосида яқка тартибда ёки менеджер бошқаруви асосида амалга оширилиши мумкин. Корхона ички ишлаб чиқариш жараёнининг бошқаруви ташкил этиш самарадорлигини ошириш ташқи жиҳатдан ишлаб чиқариш бошқарувидан фаркланади. Корхонанинг асосий вазифаси бу ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва фойда олишдан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва барқарор ишлашини ташкил этишнинг бирдан бир йўли бу фойда олиш асосида ишлаб чиқариш жараёнини такрорий равишда олиб боришни кенгайтирилган шаклда ташкил этишни соф олинган фойда ҳисобига амалга ошириш

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Адам Смит ва Давид Рикардолар ишлаб чиқариш жараёнини корхоналарда ташкил этиш фирма субъектлари томонидан ишлаб чиқариш жараёни муносабатларини ва ишлаб чиқаришни ташкил этишига боғлиқ ва фойда олишнинг ўсиб боришини таъминлаш корхона бошқаруви субъекти қўлида деб ҳисоблаганлар. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ишлаб чиқариш субъекти қўлида бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни ташкил этишни мотивациялаштириш асосида олиб бориш даражаси меҳнат унумдорлигини ўсиб боришига ишлаб чиқариш харажатларини камайишига олиб келади. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш микроиқтисодиёт яъни корхоналар ва макроиқтисодиёт даражасида яъни саноат ишлаб чиқариш тармоқлари даражасида амалга ошириш зарур. Микро ва макроиқтисодиёт даражада мулк тариқасида умумлашган ҳолда макроиқтисодий умумлашган мулк тариқаси ишлаб чиқариш жараёнини макроиқтисодий даражада ўзаро умумлашган даражада бўлиши билан бирга тарқоқ ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Бу иқтисодий ҳолат хўжаликлар субъектларидаги мулкый муносабатларни қай даражада ташкил этилганлигини кўрсатади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ижтимоий меҳнат тақсимооти даражасини ифодалайди. Шу иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий меҳнат тақсимоотини микроиқтисодиёт даражасида қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

- макроиқтисодий даражада йирик саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва алоқа хизматларида бўлиб, бу йўналишларида корхоналар умумий меҳнат тақсимоотига асосини ташкил этади;

- айрим йирик ишлаб чиқариш тармоқларида яъни тоғ-кон саноат тармоғида, металлургия саноат тармоғида ёки кимё, нефт ва газ саноат тармоқларида ва бошқа йирик саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хусусий мулкдорликка асосланган ишлаб чиқаришда хусусий меҳнат тариқасида ташкил топган;

- ишлаб чиқаришни йирик тармоқлари асосида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам меҳнат тақсимооти юзага келганини инкор этмаслик лозим;

- макроиқтисодиёт даражасида ҳам меҳнат тақсимоотини кўриш мумкин. Тўғри бу ерда меҳнат тақсимооти таркиби мураккаб бўлиб, йирик корхона ишлаб чиқариш бўлим ва цехларидан ташкил топади. Қишлоқ хўжалигида эса бўлим, ферма таъмирлаш ва ҳақозо турларда меҳнат тақсимоотини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий муносабатлари кенг даражада амалга оширилади. Бу муносабатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- корхона ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва зарур бўлган истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни амалга оширишда амалга оширилади. Бу муносабатлар қуйидагилардан иборат бўлади. Жамият талаблари корхона ишлаб чиқариш жараёнини асосий йўналишини белгилаш ўзининг талаб асосида уни ривожлантириш йўналишларини белгилашга олиб келади. Чунки бунга саноат корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот жамият субъектлари томонидан

истеъмол қилинади. Корхона ишлаб чиқараётган истеъмол товарларини ижтимоий нархларини ташкил топишига ўз таъсирини ўтказади.

Ишлаб чиқариш субъектлари бўлган фирма ва корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бўладиган иқтисодий муносабатлар асосан моддий ресурслар, ишлаб чиқаришни ташкил этишга зарур бўлган ускуналар ва технологиялар турли ишлаб чиқариш жихозлари билан бирга тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тариқасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш корхона ва фирмаларида ташкил топадиган меҳнат ходимлари бўлиб ва меҳнат ходимлари ўртасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш корхона ва фирмалар фаолиятларини тўлиқ қамраб олади. Ишлаб чиқариш муносабатлари корхоналар фирмалар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни самарали ташкил топиши ва уни олиб боришнинг самарадорлик даражаси уларда ишлаб чиқариш ходимлари билан корхона фирма ва корхона фирмалар билан жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатлар даражаси уларнинг ишлашида ижобий рол ўйнайди.

Иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини самарали ташкил топиши ва ривожланиб боришида ишлаб чиқариш корхона фирмалар ишлаб чиқариш жараёнида бўлган ишлаб чиқариш ходимлари корхона, фирмалар ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурслари ва жамият ўртасидаги муносабатлар корхона ва фирмалар орқали тартиблаш муносабатларига эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва фирмалар меҳнат қилишни истовчи субъектларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун уларни меҳнатларини пулга харид қилиб олишни, моддий ресурслар ва турли ишлаб чиқаришга зарур бўлган хизматларни сотиб олади.

Ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни истеъмолчиларга сотади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш хомашёлари, ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун пул ўтказиш асосида уларни сотиб олади.

Корхона, фирмалар ишлаб чиқариш жараёнини самарадорлигини аниқлашда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун сарфланган инвестиция ва инновация харажатларини самарадорлигини аниқлаш зарур.

Бунинг учун иқтисодий самарадорлик тушунчасини англаб олиш зарур. Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар билан ишлаб чиқариш жараёнида олинган иқтисодий натижалар яъни иқтисодий харажатлар билан олинган иқтисодий натижалар ўртасидаги фарқ олинган фойда иқтисодий самарани ифода этади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун инвестиция самарадорлиги ва ишлаб чиқаришга сарфланган капитал қўйилмалар иқтисодий категориялар бўлиб улар мазмунан бир-биридан фарқланадиган иқтисодий категорияларни билдиради.

Инвестиция бу маълум бир инвестицион лойиҳа учун ажратилган инвестиция маблағларидан самарали фойдаланишни билдиради.

Унинг самарадорлигига инвестиция лойиҳасидан қанчалик самарали фойдаланилганлигини кўрсатади. Инвестицион лойиҳалар харажатлари ҳисоб-китоблари ҳар доим нисбий кўрсаткичларга асосланади. Инвестицион лойиҳани

ишга туширилишигача бўлган давр ичида ишлаб чиқариш харажатлари қиймати бозор талаб ва таклифи асосида ўзгариб боради.


Унинг харажатларини объективлигини таъминлаш мумкин. Дисконтлаштирилган уни харажат фоизини дисконтлаштирилган ҳолатда амалга оширилса. Инвестицион харажатларни самарадорлигини аниқлаш услубияти бошқа ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш каби инвестиция харажатларини тақсимланиши ва даромад олиш даражасига боғлиқ. Инвестиция харажатларидан қанчалик самарали фойдаланилганлигини аниқлаш унинг умумий харажатларига нисбатан аниқлаш лозим. Капитал қуйилмалар самарадорлигини одатда иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришдан олинган даромадни моддий ва номоддий умумий ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатида ишлаб чиқариш самарадорлиги аниқланади.

Умумий иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришни самарадорлик эффектини ташкил этиш, ташкил этувчи ишлаб чиқариш жараёнини англатади.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда маълум камчиликлардан холи бўлмай бу камчиликларни олдини олиш асосида уни қўшимча инвестиция харажатлари асосида бартараф этилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни самарадорлик даражасини таъминлашда иқтисодий математик усулда аниқлаш асосида маълум ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча ўзгартиришларни киритиш асосида умумий самарадорлигини ўсиб бориши таъминланади.

Ишлаб чиқаришни корхоналарда иқтисодий самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш ишлаб чиқариш корхоналарини ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш қобилиятига, ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш зарурлигини таъминлашда ишлаб чиқариш ресурсларини қайта тақсимланишига, ишлаб чиқаришни ташкил этишни самарали услубидан фойдаланишни ташкил этишга, ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотни таснифлаш кўрсаткичлари сонига умумий самарадорликни таъминловчи кўрсаткичларга эътибор бериш иқтисодий самарадорликни ўсиб боришини таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий самарадорлигини корхоналарда ўсиб бориши корхонанинг ижтимоий фаолиятини ҳам самарадорлигини таъминлайди.

Умумлашган ҳолда иқтисодий-ижтимоий самарадорликни таъминлайди. Ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини барқарор ва самарали ривожланиб боришини таъминлаш учун ишлаб чиқариш корхоналарига асосланган ҳолда бизнес-режаларини ташкил этишда фойда олиш режасини ишлаб чиқиш зарурлигига (1-чизмада келтирилган).



1-чизма¹. Бизнес режани ташкил этишда фойда олиш услуги.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнини самарадорлигини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган меҳнат ва моддий харажатларни махсус формулалар орқали математика усулда ҳисоблаш мумкин.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннаرخини қуйидаги (1-формула) орқали аниқлаш мумкин.

$$H = T + P \quad (1-ф)$$

H-товар нархи сумда

T-таннарх сумда

P-режани фойда сумда

Корхона томонидан режали фойда олишни қуйидаги (2-формула) орқали ҳисоблаш мумкин.

$$F = R * T \quad (2-ф)$$

F - фойда, сўмда

R - режали самарадорлик, фоизда

T - таннарх, сўмда

Режали ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажми ишлаб чиқариш корхона қувватидан юқори даражада белгиланмаслиги керак ва у қуйидаги формула

$$I_k = I_3(1 - I_3) \quad (3-ф)$$

I_к - йиллик ишлаб чиқариш қуввати;

¹ Муаллиф ишланмаси.

Из - ишлаб чиқариш захира қуввати;

Изқ - ишлаб чиқариш захира қуввати.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф қонунига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш иқтисодий натижаларини аниқлашда олинган фойда билан эмас балки махсус назарияда қўлланилаётган янги яратилган қиймат деб юритилмоқда. Амалиётда эса бу иқтисодий кўрсаткич ялпи даромадни² ифода этади. Бу ишлаб чиқаришда олинган умумий тушум билан ишлаб чиқариш буюмлашган ҳаражатлар ўртасидаги фарқни ифода этади.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнини ва техника-иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш формулалари услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда юқорида биз корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини инвестицион ва инновацион тарзда ривожланиб боришини самарадорлик даражасини ўсиб бориши инновацион тарзда ривожланиб боришини таъминлаш корхона ишлаб чиқарувини инновацион тарзда ривожлантириш учун ажратилган инвестиция маблағларида фойдаланиш илмий-техника совети назоратига олиш зарурлиги (2-чизма)да асослаб берилган.



2-чизма³. Инновацион инвестицияларни бажарилишини назорат қилиш услуби.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида фирма ва ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий-иқтисодий ва молиявий фаолиятларни тартибга солиб бориш назоратини амалга оширишда уларни қўйидаги формулалар асосида ҳисоблаб бериш уларнинг қўйидаги формулалар асосида ҳисоблаш бориш уларнинг иқтисодий

² Ю.В.Богатин, В.А.Швандер. Оценка эффективности бизнеса и инвестиции. Юнити финансии. М.:1999 й. 33 с.

³ Муаллиф ишланмаси.

фаолиятларини самарали олиб боришни таъминлайди. Бу техник-иқтисодий ва ишлаб чиқаришнинг молиявий кўрсаткич даражаларини алоҳида ҳисоблаб бериш формулалари қуйидагилардан иборат.

Ишлаб чиқарилган товарни қийматининг нархи (Н) ишлаб чиқариш таннархи харажатлари (T_x) ва олиниши лозим бўлган фойдадан (Ф) ташкил топади. Қуйидаги формула тариқасида ифодаланади:

$$H = T_n + \Phi$$

Фирма, корхона ишлаб чиқариш фойдаси (П), фойда (Ф) ва таннарх (T_n) га боғлиқ бўлиб, ушбу формула тариқасида ($\Pi = T_n + \Phi$) ифодаланади.

Фирма ва ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасидаги иқтисодий самарадорлик қуйидаги формулалар асосида ҳисоблашда фирма, корхона ишлаб чиқариш қуввати (I_n) уни амалга оширишда (Н) ишлаб чиқариш самарадорлиги (С) маҳсулот бирлигига бўлган доимий харажат (D_x), ўзгарувчан маҳсулот бирлигига бўлган ($\check{Y}_x$) харажат аниқланиши керак.

Режали фойда олиш қуйидаги:

$$\Phi_p = P \times T$$

бу ерда,

Φ_p – режали фойдани;

С – режали самарадорликни;

Т – маҳсулот бирлиги таннархини ифодалайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигини ифода этувчи таннархини қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T = T_{\text{реж.}} + \frac{T_{\text{реж}}}{I_{\text{чтх}}}, \text{ яъни бу ерда}$$

Т – таннарх;

$T_{\text{реж}}$ – режали таннарх;

$I_{\text{чтх}}$ – ишлаб чиқариш таннарх хажми.

Фирма, корхоналарни самарали ишлашни таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ишлаб чиқариш фирма ва корхонанинг умумий ишлаб чиқариш йиллик ишлаб чиқариш қувватидан ошмаслиги керак.

Йиллик фирма, корхона ишлаб чиқариш хажми қуйидаги формула асосида ҳисоблаш зарур.

$$N = N_m (1 - M_p)$$

Н – фирма, корхона йилик ишлаб чиқариш хажми;

N_m – фирма, корхона йиллик ишлаб чиқариш қуввати;

M_p – фирма, корхона ишлаб чиқариш қувватининг захира қисми.

Бу ишлаб чиқариш жараёнини захира қисми ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш фирма ва корхоналар ихтиёрида бўлиб, одатда белгиланган (0,1-0,4) нормативларига асосланади ва у қуйидаги формула $N < N (1 - M_p)$ асосида аниқланади.

Фирма ва корхоналарда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш $H_k = N : N_n$ формуласи асосида аниқлаш лозим. Бу ерда H_k - ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни, Н – ишлаб чиқариш қуввати ва N_n фойдаланган ишлаб чиқариш қувватини ифода этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари

$I_x = N \times I_x + D_{ичх}$ формуласи асосида ҳисобланади.

Бу ерда,

I_x – ишлаб чиқариш харажатлари;

N – йиллик ишлаб чиқариш ҳажми;

$D_{ичх}$ – доимий ишлаб чиқариш ҳажмини ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мазур Н.З. Инновационная экономика, инновационные системы. Инновационная собственность. Самара СНГ. РАН. 2001.
2. Фатхуллин Р.Ф. Инновационный менеджмент. Учебник. М. 2016г.
3. Буданов И.А. Инновационно-инвестиционные процессы развития металлургического производства России//Научные труды: института народно-хозяйственного прогнозирования. РАН. М. Прогресс. 2015 г. 324-347 стр.
4. Шишкин А.Ф. Экономическая теория 2. М.: ВЛАДОС. 1991. 57 б.
5. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. Т.: Академия. 2006. с. 262.
6. Усмонова Р.М., Сайдкаримова М.И. Экономическая теория. Т: 2018 г. Издательства “Fan va texnologiya”. 116 с.
7. Отажонов Ш.И. Инновацион фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлигини ошириш муаммолари. Диссертация иқтисод фанлари доктори. 2018 й.